

Росулуллоҳнинг ҳазиллари ҳақида келган боб.

﴿بَابُ مَا جَاءَ فِي صَفَةٍ مِّنْ مَزَاحٍ رَسُولُ اللَّهِ ﴾

صلی اللہ علیہ وسلم

[Ўзбекча – Uzbeking –]
الْأَوْزَبَكِي

Абу Ийсо Мұхаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдүллоҳ Шариф

Нашрга тайёрловчи: Шамсиiddин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿ بَابُ مَا جَاءَ فِي صَفَةِ مِزَاحِ رَسُولِ اللَّهِ ﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذى

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
الْحَمْدُ لِلَّهِ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ وَعَلَى الْأَئِمَّةِ وَمَنْ وَالْأَئِمَّةِ أَمَّا بَعْدُ :

Бу “шамоили муҳаммадия”дан бўлаётган дарсизнинг ўн саккизинчи қисми бўлиб бу қисмда ҳам битта бобнинг ҳадислари билан танишамиз! иншааллоҳ.

[36) بَابٌ مَا جَاءَ فِي صَفَةِ مَزَاحٍ رَسُولُ اللَّهِ [وَفِيهِ (6) أَحَادِيثٍ]

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазил-мутойибалари ҳақидаги боб. Бу бобда олтита ҳадис ривоят қилинади.

235 – حدثنا محمود بن غيلان أتبأنا أبوأسامة عن شريك عن عاصم الأحوص عن انس بن مالك قال إن النبي قال له ياذا الاذنين

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар алайҳиссалом у зотга, эй! икки қулоқли. -деган эканлар.

236 – حدثنا هناد بن السري حدثنا وكيع عن شعبة عن أبي التياح عن أنس بن مالك رضي الله عنه قال إن كان النبي ليخالطنا حتى يقول لأخ لي صغير يا أبو عمير ما فعل النغير

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан ҳам сўзлашар эдилар, ҳатто кичик инимни ҳам эй! Або Умайр! нуғайр нима қилди?- деган эдилар.

Изоҳ: Имом Термизий айтадиларки: “Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазил қилар эдилар, кичкина болага ҳам куня қўйиб эй! Умайрнинг отаси -деб хитоб қилганлар. Нугайр эса у бола ўйнаб юрган кабутар эди. У кабутар ўлиб қолади, шунда Пайғамбар алайҳиссалом у болани эркалас, қўнглини шод этиши мақсадида шундай –деган. эдилар. Бу ҳадисдан ёш болага ўйин учун бундай қушни берши жоизлиги келиб чиқади.- дейдилар”. Уламолар айтишиларига қарагандо имоми Шоғий шу ҳадисдан саксондан кўпроқ одобахлоқча ва бошқа соҳаларга таъллуқли истифодалар чиқарган эканлар. Ҳадиснинг иснодига келсак, уламолар саҳиҳдир.-дейдилар.

237 - حدثنا عباس بن محمد الدوري قال أنا علي بن الحسن بن شقيق أنا عبد الله بن المبارك عن أسامة بن زيد عن سعيد المقبري عن أبي هريرة رضي الله عنه قال قالوا يا رسول الله إنك تداعينا قال نعم غير أني لا أقول إلا حقا.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади айтадиларки: Одамлар айтишдикى: Ё! Росулуллоҳ сиз, биз билан ҳазиллашасиз! Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳа! Лекин шунда ҳам ҳақни сүзлаб, орасига ёлғон қўшиб юбормайман! –дедилар.

Изоҳ: Уламолар айтадиларки: Баъзи саҳобалар ҳазиллашув дуруст эмас! -деган тушунчада юрган бўлсалар керак, шунинг учун шу саволни берганлар. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам эса уларнинг саволларига жавоб бериш билан чегараланиб қолмай, балки ҳазил-мутойиба қай тарзда бўлишини ҳам эслатиб ўтадилар. Мулла Али қори айтадилар: “Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазил-мутойибаларида ёлғон, тўқима, бўйтон гаплар, биронинг устидан қулиш, калака қулиш ва масхаралар бўлмасди”. Уламолар айтадиларки: Кимда ким манашу кўрсатмалар асосига биноан ҳазил қила билса ва биронинг обрў-эътиборини тўкиб қўйшига ружу қилмаса, у учун ҳазил-мутойиба қулиши жоиздир, аммо кимики бу қонунга риоя қулишини билмаса, ҳазил қиламан.- деб мусулмон биродарини кўнглини ранжитиб қўядиган бўлса, бу одам ҳазил остонасига қадам қўйшиши жоиз эмас! Ҳадиснинг исноди ҳасан даражасидадир -дейди муҳаддис уламолар. Ҳасан ҳадис ҳам шаръий далилдир.

238 - حدثنا قبية بن سعيد حدثنا خالد بن عبد الله عن حميد عن انس بن مالك إن رجلا استحمل رسول الله فقال إني حاملك على ولد ناقة فقال يا رسول الله ما أصنع بولد الناقة فقال رسول الله وهل تلد الإبل إلا النوق

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади, айтадиларки: Бир киши Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан маркаб сўради. Шунда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Мен сени туюнинг боласига миндириб қўяман. У одам ё! Росулуллоҳ туюнинг боласини нима? қиламан. –деди. Кейин Пайғамбар алайҳиссалом айтдиларки: Туя туюни туғадида!

Изоҳ: Яъни ўша миниладиган катта туя ҳам туюнинг боласида! –демоқчилар. Бу ҳадиснинг иснодини муҳаддислар саҳиҳ деб ҳукм қиласидар.

239 - حدثنا إسحاق بن منصور حدثنا عبد الرزاق حدثنا عمر عن ثابت عن انس بن مالك أن رجلا من أهل البدية كان اسمه زاهرا وكان يهدى إلى النبي هدية من البدية فيجهزه النبي إذا أراد أن يخرج فقال النبي إن زاهرا باديتنا ونحن حاضرون وكان رسول الله يحبه وكان رجلاً دميمًا فأتاها النبي يوماً وهو يبيع متاعه

واحضنه من خلفه وهو لا يصره فقال من هذا أرسلني فالفت فعرف النبي فجعل لا يألو ما ألصق ظهره
بصدر النبي حين عرفه فجعل النبي يقول من يشتري هذا العبد فقال الرجل يا رسول الله إذا والله تجدي كاسدا
قال النبي لكن عند الله لست بكاسد أو قال أنت عند الله غال.

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади айтадиларки: Саҳровийлардан Зоҳир исмлик бир киши шаҳарга келиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга ҳадия қилиб турарди. Қайтиш вақти яқинлашганда Пайғамбар алайҳиссалом уни сафар озуқаси билан таъминлаб қўярдилар. Бир куни Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Зоҳир бизнинг чўллигимиз, биз эса унинг шаҳарлигимиз. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, уни ҳуник инсон бўлишига қарамай, жуда яхши кўрар эдилар. Бир куни у савдо-сотик қилиб турганда, Пайғамбар алайҳиссалом унинг орқасидан келиб, унга сездирмаган ҳолда, уни орқасидан маҳкам қучоқлаб олдилар. У ким бу қўйиб юбор! мени. –деди. Қарасаки у Пайғамбар алайҳиссалом эканлар. У одам Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам эканликларини билгандан кейин, ҳижолат бўлганидан орқасини Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўкракларига ёпиштирганича қотиб қолди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом ким сотиб олади? манабу қулни! -дедилар. Зоҳир эса ё! Росууллоҳ ундей бўлса, тижоратингиз касод бўлади.-деди. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Лекин сен Оллоҳнинг наздида касод эмассан. Ровий айтадиларки: Ёки Оллоҳнинг наздида жуда қадрлидирсан! -деган эдилар.

Изоҳ: *Бу Зоҳир исмлик киши баъзи шарҳловчиларнинг сўзларига қараганда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга чўлдан чўл ерларига оид ўсимликлар, гиёҳлар олиб келиб, ҳадия қиласар экан. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам эса бунга шаҳар ҳадияларидан бериб, кўнглини шод қилиб ватанига жўнатар эканлар. Бу ҳадиснинг иснодини ҳам саҳиҳ - деб ҳукм қиласар.*

240 - حدثنا عبد بن حميد حدثنا مصعب بن المقدام حدثنا المبارك بن فضالة عن الحسن قال أتت عجوز إلى النبي فقالت يا رسول الله ادع الله أن يدخلني الجنة فقال يلي أم فلان إن الجنة لا تدخلها عجوز قال فولت تبكي فقال أخبروها إنما لا تدخلها وهي عجوز إن الله تعالى يقول إنا أنشأناهن إنشاء فجعلناهن أبكارا عربا أترابا

Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки: Бир кампир Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб айтдики: Ё! Росууллоҳ Оллоҳга дуо қилинг! мени жаннатга киргизсин! Пайғамбар алайҳиссалом айтдиларки: Эй! фалончининг онаси жаннатга кампир кирмайди! Ровий айтадилар: Шунда у аёл йиглаб юз ўгириб кетди. Кейин Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Унга айтиб қўйинглар! жаннатга кампир ҳолатида эмас, балки ёш қиз ҳолатида киради! Чунки Оллоҳ таоло манашундай –дейди. -деб ушбу оятни ўқидилар.

إنا أَنْشَأْنَا هُنَّ إِنْشَاءٌ فَجَعَلْنَا هُنَّ أَبْكَارًا عَرَبًا أَتَرَابًا

36-37-38. Сүнг уларни ўнг томон эгалари учун (ёшда ҳам, хусну жамол ва қадду қоматда ҳам) бири-бирига тенг, эхтиросли бокира қизлар қилиб қўйдик.

Изоҳ: Яъни Rosululloҳ саллаллоҳу алаиҳи васаллам бу оятни ўқиб аёлларни ёш ҳолларида жаннатга киражакларини маълум қилиши билан бир қаторда, умматларига манашиундай ҳазиллар қилиб, динимиз фақат жисдийликни лозим тутиб, доимо мусулмонлар маюс, маҳзун ҳолда бўлишиларига чорламаслигини билдирилар. Балки вақти-вақти билан ҳазил, ўйин-кулги, хурсандчилик қилиб турии керак. Лекин шариат ҳудудларини бузмаган ҳолда, ҳазил сўзлар орасига ёлғон, тўқималар аралаштирмаи тўғри гапирмоқ даркор. Оллоҳ таоло барчаларимизни ҳақ йўлидан адаштирумасин!

وَصَلَى اللَّهُ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ وَسَلَّمَ.